

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

36-сон  
(1056)  
2022 йил  
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

322. «Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 сентябрдаги ПФ-215-сон Фармони
323. «Стратегик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 сентябрдаги ПФ-216-сон Фармони
324. «Таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ-218-сон Фармони
325. «Деҳқон хўжаликлари ташкил этишини қўллаб-куватлаш орқали ахоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги ПҚ-373-сон қарори

**Бешинчи бўлим**

326. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 27 августдаги 14-мҳ-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-2*)
327. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 18 июлдаги 14/6-сон «Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3384*)
328. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 30 августдаги 342-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-3*)
329. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 сентябрдаги 348-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларининг 6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-3*)
330. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 10 августдаги 7-2022-сон «Қўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211-1*)
331. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 19/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3385*)
332. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 6-қ/қ-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 19-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 16 августдаги

2022-25-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 11 августдаги 13/02-22-28-сон «Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хуласалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўtkазилди, rўйхат рақами 438-5*)

333. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 5-қ/қ-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 10 августдаги 20-2022Q/Q-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 42-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўtkазилди, rўйхат рақами 2790-2*)
334. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 24 августдаги 5-мһ-сон ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2022 йил 12 августдаги 11/QQ-сон «Айрим фанлар чукур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўtkазилди, rўйхат рақами 2321-2*)
335. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 17 августдаги 226-мһ-сон «Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўtkазилди, rўйхат рақами 3007-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **322 Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини янада ошириш, худудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда янги ташабус ва лойиҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасининг бошқарув компанияси» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари хисобидан шакллантириладиган дастлабки устав капитали 100 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги инвестиция компанияси (кейинги ўринларда — Инвестиция компанияси) сифатида қайта ташкил қилинсин.

Бунда, Инвестиция компаниясига 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида ҳамкор инвесторлар томонидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча инвестициялар жалб қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

##### 2. Белгилансинки:

Инвестиция компаниясининг устав капитали келгусида инвесторлар билан лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган қўшимча инвестицияларни ҳисобга олиб, босқичма-босқич 1 миллиард АҚШ долларига етказилади;

инвестициялар ва ташқи савдо вазири Инвестиция компаниясининг Кузатув кенгаши раиси ҳисобланади;

Инвестиция компанияси томонидан инвестициялар тижорат ташкилотларининг устав капиталида бозор қиймати бўйича ҳисобланган акцияларнинг (улушларнинг) 49 фоизигача улушида иштирок этиш, мол-мулк сотиб олиш, миллӣ ва хорижӣ валютада карзлар бериш, шунингдек, қонунчиликда зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилади;

Инвестиция компанияси томонидан битта лойиҳа учун киритиладиган инвестицияларнинг максимал миқдори ушбу лойиҳа бўйича умумий инвестициялар ҳажмининг 49 фоизидан ошмаслиги лозим. Бунда, Инвестиция компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғар-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2022 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

маси маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган инвестицияларининг битта лойиҳа учун максимал ҳажми 20 миллион доллардан ошмаслиги лозим;

Инвестиция компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тарққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган инвестициялари максимал ҳажмининг оширилишига йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан йўл қўйилади;

Инвестиция компанияси томонидан инвестиция лойиҳаларини танлаш ва молиялаштириш ушбу лойиҳаларнинг молиявий жозибадорлиги ва самарадорлигидан келиб чиқиб, мустақил равишда инвестиция сиёсатида белгиланган мезон ва талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

loyiҳaolди ишлари, шу жумладан лойиҳанинг техник-иктисодий асослари ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳани молиялаштиришга тайёрлаш учун зарур бўлган бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш харажатлари Инвестиция компаниясининг маблағлари ҳисобидан Кузатув кенгашининг қарорига асосан молиялаштирилади.

3. Инвестиция компанияси инвестицияларни қўйидаги усувлар билан жалб қиласди:

кредит (қарз) олиш ва Инвестиция компаниясининг устав капиталига инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш;

юридик шахсларни ташкил этиш ёки уларнинг устав фондларида (устав капиталида), шу жумладан мол-мулк сотиб олиш йўли билан иштирок этиш;

йирик институционал ва стратегик инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, шу жумладан нуфузли халқаро молия марказларининг юрисдикцияларидан фойдаланиш;

қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа қўринишларда.

4. Инвестиция компаниясига ҳудудий лойиҳа гурухлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўзининг инвестиция сиёсатида белгиланган мезон ва талабларни ҳисобга олган ҳолда танлаб олиб, ҳудудларда тадбиркорлар иштирокида ташкил этилган холдинг компаниялари орқали уларнинг 49 фоизгача бўлган қисмини молиялаштириш ҳукуқи берилсин.

5. Инвестиция компаниясининг Кузатув кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда икки ой муддатда 2022-2023 йилларда ҳудудий саноат зоналарини ташкил этиш бўйича лойиҳалар рўйхатини тасдиқласин.

Белгилансинки, Инвестиция компаниясига:

саноат ва инфратузилма объектларини яратиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида бир лойиҳага инвестицияларнинг белгиланган ҳажми доирасида устав капиталида 100 фоиз иштирок этиш орқали операцион ташкилотларни ташкил этиш;

мустақил равишда ўз мол-мулкини, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталларидағи улуш ва акцияларини эркин ҳолда қонунчиликда хусусийлаштириш бўйича белгиланган тартибларни қўлламаган ҳолда сотиш ҳукуқи берилади.

6. Инвестиция компаниясининг Кузатув кенгаши бир ой муддатда опера-

цион ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш, шу жумладан лойиҳа гурухлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда уларнинг лойиҳавий таклифларини молиялаштириш механизмини кўзда тутувчи Низомни тасдиқласин.

7. Инвестиция компанияси ва унинг операцион ташкилотларига белгиланган фойда солиғи ставкаси уч йил муддатга 50 фоизга камайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ўили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармони 7 — 9-бандлари ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 сентябрь,  
ПФ-215-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **323 Стратегик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг турли соҳалари ислоҳ қилиниб, улар доирасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бизнес мухитини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация ва модернизация қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, ташқи савдо, солик ва молия сиёсатини либераллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳондаги тез ўзгарувчан сиёсий-иқтисодий вазият миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорлардаги ракобатбардошлигини ошириш, аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш ва инсон ка-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

питалини юксалтириш бўйича янги йўналишларда таъсирчан ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишни самарали ташкил этиш, ислоҳотларнинг узвийлигини таъминлаш орқали уларни амалга оширишда ягона ёндашувларни шакллантириш ва жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда алоҳида соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотларни танқидий таҳлил қилган ҳолда уларнинг самарадорлигини баҳолаш, расмиятчилик, сансалорлик ва коррупциявий ҳолатларга шароит яратувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва давлат дастурларининг ижросини мониторинг қилиш асосида уларнинг тўлақонли ва сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

халқаро молия институтлари, чет эл ташкилотлари ва хорижий мутахассисларни ҳамда беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ишларини тизимли ташкил этиш, улар бўйича ахборот ва ҳисоботларнинг маълумотлар базасини яратиш;

давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш, жумладан ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш, бошқарув органлари таркибига мустақил аъзоларни киритиш ва соҳага оид бўлмаган активлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини мониторинг қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) 1-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш Агентлик фаолиятининг устувор йўналишларини, самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини, унинг фаолияти билан борлиқ бошқа қаторларни, шунингдек, Агентлик томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар, «йўл харита»лари ва дастурларни тасдиқлади;

Кенгаш мажлислари Кенгаш раиси ёки унинг топшириғига мувофиқ раис ўринбосари бошчилигига ўтказилади;

Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган баённомалар билан расмийлаштирилади.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб соҳа ва тармоқларда ислоҳотларни амалга ошириш, уларни мувофиқлаштириш ҳамда натижадорлигини баҳолаш тартиби жорий этилсинган ва унга кўра Агентлик:

а) алоҳида соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича:

хар ўили 1 октябрга қадар кейинги ўил учун ислоҳ қилинадиган тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича иш режани тасдиқлаш учун Кенгашга киритади;

маҳаллий ва хорижий эксперталар, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакилларини (асосий иш жойидаги иш ҳақи сақланган ҳолда) жалб этган ҳолда Агентлик ходими раҳбарлигида лойиҳа гуруҳларини (офисларини) шакллантиради;

LOYIХА ГУРУҲЛАРИ (ОФИСЛАРИ) ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ҲОЛАТНИНГ ЧУҚУР ТАХЛИЛ ҚИЛИНИШИ, БАҲОЛАНИШИ ВА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ БЎЙИЧА ТЕХНИК ТОПШИРИҚНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ ВА КОНСАЛТИНГ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА ТЕГИШЛИ СОҲА ВА ТАРМОҚЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТА»ЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАДИ;

«ЙЎЛ ХАРИТА»ЛАРИДАГИ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН КЕНГАШ МАЖЛИСИННИ ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚАДИ;

соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТА»ЛАРИ, ЖУМЛАДАН УЛАРДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАДИ ёКИ УНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА КЕЛИШИЛИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРАДИ;

ислоҳотларга доир қабул қилинган норматив-хуқуқиيҳи хужжатларнинг ижросини доимий мониторинг қиласи, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўради;

б) тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ислоҳотларнинг амалга оширилишини баҳолаш бўйича:

хар ўили 1 ноябрга қадар Агентликнинг тегишли соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотларни баҳолаш бўйича иш режасини тасдиқлаш учун Кенгашга киритади;

мустақил эксперт ва мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича экспертлар гуруҳларини ташкил этади;

ҳар чоракда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини баҳолаб боради ва эришилган натижалар, камчилик, муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни кўрсатган ҳолда баҳолаш якунлари тўғрисида Кенгашга ахборот киритади;

ислоҳотларни амалга ошириш ҳолати бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботини Кенгашда кўриб чиқиш учун мажлисини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

5. Белгилансинки:

соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТА»ЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА УШБУ ЖАРАЁНЛАРНИ БАҲОЛАШ УЧУН КОНСУЛЬТАНТЛАР АГЕНТЛИК ТОМОНИДАН ёКИ У БИЛАН КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА ЖАЛБ ЭТИЛАДИ;

масъул вазирлик ва идоралар лойиҳа гуруҳлари (офислари) ва консалтинг ташкилотлари фаолият кўрсатиши учун бефараз равишда етарли шароитларни (бино, хона, техника воситалари ва бошқалар) яратади;

соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича «йўл харита»ларини амалга ошириш бевосита масъул вазирлик ва идора томонидан амалга оширилади ва уларнинг биринчи раҳбарлари мазкур масалалар юзасидан жавобгар ҳисобланади;

масъул вазирлик ва идоралар соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида кейинчалик Кенгашга киритиш учун Агентликка ҳар ойда маълумот тақдим этади;

Адлия вазирлиги ҳар чоракда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва давлат дастурларининг ижроси бўйича умумлаштирилган таҳлилий маълумотни Агентликка киритиб боради.

6. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб қўйидаги тартиб жорий этилсин:

а) соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш жараёнларига халқаро молия институтлари, чет эл ташкилотлари ва хорижий мутахассисларни ҳамда беғараз қўмак маблағларини жалб қилиш Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

б) халқаро молия институтлари ва халқаро ташкилотлар миссиялари томонидан ислоҳотлар дастурлари, жумладан мамлакатни комплекс баҳолаш Агентлик билан ҳамкорликда ўтказилади;

в) ҳар бир вазирлик ва идора халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва эксперталарнинг расмий хулоса ва хисоботларини улар тақдим этилган кундан кейин бир ҳафта муддатда Агентликка тақдим этади. Бунда, мазкур Фармон қабул қилингунга қадар тайёрланган хисобот ва хулосалар 2022 йил 1 ноябрга қадар Агентликка тақдим этилади;

г) ҳар чорак якунига кўра Кенгаш мажлиси ўтказилади ва унда қўйидаги масалалар муҳокама қилинади:

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги резалари ва уларни амалга ошириш бўйича таклифлар;

ислоҳотларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар;

худудларда очик мулоқотлар доирасида ахолининг билдирган фикр ва мулоҳазалари асосида ҳудуддаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳолат, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича чоралар.

7. Белгилансинки:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда тегишли соҳаларда комплекс ислоҳотларни чуқурлаштириш ва либераллаштириш борасидаги стратегик масалалар юзасидан ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги Кенгаш мажлисларида кўриб чиқилади;

Кенгаш томонидан мақсадга мувофиқ деб топилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади, бунда мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини бошқа идоралар билан келишиш талаб этилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисига тенглаштирилади, бош директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари эса тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентлик ходимлари Агентлик бош директори томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро этувчи аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва иш ҳақи миқдорлари татбиқ этилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигини қўллаб-кувватлаш жамғармаси Агентликка ўтказилсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигини қўллаб-кувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номлансан.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тасарруф этилади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан белгиланади.

11. Белгилаб қўйилсинки Давлат бюджети маблағлари, Жамғарма маблағлари, Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаoliyatiini молиялаштириш манбалари хисобланади.

12. Белгилансинки, Агентлик ўз вазифаларини амалга оширишда қўйидаги хуқуқлардан фойдаланади:

ислоҳотлар йўналишлари бўйича лойиҳа гурухларини (офисларини) ташкил этиш, консалтинг ташкилотларини жалб этиш ҳамда малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида тўлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассисларни шартнома асосида тадқиқот ва таҳлил олиб бориш ишларига жалб қилиш;

халқаро молия институтлари, халқаро ташкилотлар ва экспертлар билан ҳамкорлик бўйича ва бошқа шартномаларни тузиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг электрон ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш ҳамда ушбу тизимларни Агентликнинг электрон тизимла-рига интеграция қилиш.

13. Вазирлар Махкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Агентликни жойлаштириш чораларини кўрсинг.

14. Агентлик:

бир ой муддатда Агентлик тўғрисидаги низомни, харажатлар сметаси-ни, Агентлик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, Агентлик ҳамда у томонидан ташкил этиладиган лойиҳа оғислари фаолия-тини молиялаштириш манбаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига тасдиқлаш учун киритсан;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсан.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбар ходим-лари, мутахассислари ва хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва меҳна-тига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3976-сон қарорига З-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча кири-тилсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 сентябрь,  
ПФ-216-сон

---

\* З-илова берилмайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**324      Таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ҳосил  
бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида\***

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги «Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-162-сон Фармонига мувофиқ 2022 йил 1 июлдан бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яашаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш обьектларига (фойдаланилмаётган обьектлар) ҳамда ушбу обьектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби (таъсирчан солиқ механизми) бекор қилингандиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, фойдаланилмаётган обьектлар мулкдорларига нисбатан оширилган ставкаларда қўлланилган таъсирчан солиқ механизми натижасида ҳосил бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича:

мавжуд солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилади;

солиқ қарзини ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилади.

3. Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги:

бир ой муддатда 2022 йил 1 июлдан мазкур Фармон кучга киргунга қадар бўлган даврда таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ундирилган солиқ суммаларини келгуси тўловлар ҳисобига белгиланган тартибда тегишли обьект мулкдорларига қайтарилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиеv белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 9 сентябрь,  
ПФ-218-сон

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**325 Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-кувватлаш  
орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳолининг ташаббуслари ни қўллаб-кувватлаш орқали уларнинг даромадларини ошириш, шунингдек, «Бир ҳудуд — бир маҳсулот» тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оиласидаги тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-20-сон қарорига мувофиқ, фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва фалладан қисқартирилган ва аҳолига узок бўлмаган ҳудудлардан:

2022 йилда 80 минг гектар экин майдонларини;

2023 — 2025 йилларда 120 минг гектар экин майдонларини аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага бериш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва фалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан 2022 йил якунига қадар қўшимча 20 минг гектар — умумий 100 минг гектар экин майдонлари, 2023 йилда 95 169 гектар экин майдонлари 1 — 1.13-иловаларга\*\* мувофиқ аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага берилади.

Бунда:

а) экин майдонлари фуқароларга 30 йил муддатга:

сув таъминоти яхши бўлган ерлардан — Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда;

кам сувли ерлардан — вилоятларда 0,50 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,50 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда ижарага берилади;

б) 2022-2023 йилларда дехқон хўжалиги юритиш мақсадида экин майдонларини аҳолига бериш учун ташкил этиладиган очик электрон танловда 1 нафар талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тариқасида, танлов ўтказилган хисобланади;

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 1-13-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) иссиқхона тармоғи кенг ривожланган туманларда дәққон хұжаликlassesiga ажратиб берилған экин майдонларида иситиш тизимларини үрнатмаган ҳолда енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилишига рухсат берилади.

3. Шундай тартиб жорий этилсінки, унға мувофиқ:

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киристилған ахолига дәққон хұжалигини юритиш учун ер участкалари очиқ электрон танлов орқали ижарага берилғанда, мазкур хатбошида назарда тутилаёттан шахслар юқоридаги дафтарлардан чиқарылмайды ва улар учун қонунчилікда белгиланған барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатта сақлаб қолинади;

имтиёз ва преференцияларнинг бир йиллик амал қилиш муддати дәққон хұжалигини юритиш учун ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилған кундан бошлаб ҳисобланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларлари Қишлоқ хұжалиги вазирлиги (А. Воитов, Х. Каримов) ва Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов) билан биргаликда:

а) бир ой муддатда 2022 йилда ахолига қўшимча тарзда очиқ электрон танлов орқали ижарага бериладиган 20 минг гектар экин майдонларининг, 2023 йил 1 январга қадар 2023 йилда ахолига очиқ электрон танлов орқали ижарага бериладиган 95 169 гектар экин майдонларининг ахоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши бўлган ерлардан танланиши ва туман (шаҳар) ҳокимларларининг захирасига белгиланған тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Бунда, ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши Ер кодексининг 36-моддасида белгиланған ҳолларда, жумладан ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, ушбу қишлоқ хұжалигига мўлжалланған ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнода нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланғанда, ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуслар билан фойдаланилган тақдирда, амалга оширилади;

б) захираға олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимларлари буюртмасига асосан амалга оширилишини, бунда давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

в) давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилған экин майдонларининг сув таъминоти яхши бўлган ерларда — Андижон, Намангандар Фарғона вилоятларида камиди 0,15 гектарга, бошқа худудларда камиди 0,30 гектарга ҳамда кам сувли ерларда камиди 0,5 гектарга тенг бўлған хажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичиде очиқ электрон танловга қўйилишини;

г) экин майдонларини танлаш ва лотларга ажратиш ишларида маҳалла да тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва кам-

бағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шахар) ҳокимлари ёрдамчиларининг иштирокини ҳамда улар томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинишини;

д) ер тўғрисидаги қонунчилик ва ижара шартномаси талаблари бажарилмаганда, жумладан ижарага берилган ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, талабгор томонидан очиқ электрон танлов орқали ернинг ижара хукуқини ютиб олиш учун олинган қўшимча мажбуриятлар бажарилмаганда, ерга бўлган хукуқ Ер кодекси ва «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга асосан бекор қилиниши ҳақида дехқон хўжаликлари аъзолари орасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

Мазкур бандда белгиланаётган топшириклар ижросини ўз вақтида таъминламаган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва туманлар (шахарлар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибида жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

5. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов, Х. Каримов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва туманлар (шахарлар) ҳокимлари:

2022 йил якунига қадар қўшимча 20 минг гектар, 2023 йилда 95 169 гектар экин майдонларини очиқ ва шаффофликни таъминлаган ҳолда дехқончилик кўникмаларига эга бўлган, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳолига ажратсин;

мазкур майдонларга Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги тавсиясига асосан, ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини таъминласин. Бунда, сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экишга алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳсулот етиштирувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, шунингдек, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этсин;

агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналарни жалб қилган ҳолда етиштирилган тайёр маҳсулотни харид қилиш, уни қайта ишлаш, сақлаш, ички ва ташки бозорларга йўналтириш чораларини кўрсинг;

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги (И. Эргашев) билан биргаликда экин майдонларида заарқунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, дехқон хўжаликларига экинларни химоя қилиш хизматлари ўз вақтида кўрсатилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиб, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсинг.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М. Каримов мазкур чора-тадбирларни ўз вақтида ва

самарали ташкил этиш устидан доимий мониторинг ўрнатиб, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритисин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори М.М. Убайдуллаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Карор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринbosари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 сентябрь,  
ПҚ-373-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги  
ПҚ-373-сон карорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оиласи мурасимларини тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушкини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-20-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари куйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2022 й.*

«а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги аҳоли пунктига яқин ҳамда сув таъминоти яхши бўлган пахта ва фалладан қисқартирилган 195 169 гектар экин майдонларини захирага қайтариш;

б) захирага қайтарилган ер майдонларини дехқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 30 йилга:

сув таъминоти яхши ҳудудларда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда;

кам сувли ерларда вилоятларда 0,50 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,50 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда очик электрон танлов орқали ижарага бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин»;

б) 3, 7-бандлар ҳамда қарорга 1 — 1.13-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган «Темир дафтар»ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оиласалар муаммоларини тизимли равишда хал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтингчалик тартибининг 18-банди қўйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳолига дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага берилганда, мазкур хатбошида назарда тутилаётган шахслар юқоридаги дафтарлардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатга сақлаб қолинади. Бунда, имтиёз ва преференцияларнинг бир йиллик амал қилиш муддати дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкасига бўлган ижара хуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана), хўраки, кишмишибоп ва саноатбоп ток кўчатлари ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низомда:

а) 17 ва 26-бандлардаги «маҳсус 22626 ҳисобварақларига» сўzlари «асосий ҳисобварақларига» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) Низомга 2-иловадаги схеманинг 5-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «маҳсус 22626-маҳсус ҳисобварақларига» сўzlари «асосий ҳисобварақларига» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламентида:

а) қўйидаги мазмундаги 41-банд билан тўлдирилсин:

«41. Фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган аҳоли пунктига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган экин майдонларини аҳолига бериш учун 2022-2023 йилларда ташкил этиладиган очик электрон танловда бир нафар талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тариқасида, танлов ўтказилган ҳисобланади»;

б) 27-банднинг тўртинчи хатбошиси «мазкур лот такорий танловга қўйилганда» сўзларидан кейин «шунингдек, фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган аҳоли пунктига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган экин майдонларини ижарага олиш учун 2022-2023 йилларда ташкил этиладиган танловда» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори билан тасдиқланган «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44-банди қўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага берилганда, мазкур хатбошида назарда тутилаётган хотин-қизлар юқоридаги дафтардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатга сақлаб қолинади. Бунда, имтиёз ва преференцияларнинг бир йиллик амал қилиш муддати дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкасига бўлган ижара хукуки давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги «Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик махсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 327-сон қарорида:

а) 1-илова (Янги интенсив боф ва токзорларда лойиха асосида томчилатиб сугориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар хамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида низом)да:

13-банднинг иккинчи хатбошидаги «22626-махсус ҳисобварафи» сўзлари «асосий ҳисобварафи» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги схеманинг 5-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова (Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида низом)да:

12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «22626-махсус ҳисобварафи» сўзлари «асосий ҳисобварафи» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «махсус 22626-ҳисобваракларига» сўзлари «асосий ҳисобваракларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги схеманинг 5-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 3-илованинг 2-бандидаги «22626-махсус ҳисобварафи» сўзлари «асосий ҳисобварафи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илова (Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида низом)да:

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «22626-махсус ҳисобварафи» сўзлари «асосий ҳисобварафи» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги «махсус 22626-ҳисобваракларига» сўзлари «асосий ҳисобваракларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги схеманинг 5-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илова (Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида низом)да:

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «22626-махсус ҳисобварафи» сўзлари «асосий ҳисобварафи» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги схеманинг 5-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 5-иловадаги «махсус ҳисобварак» сўзлари «асосий ҳисобварак» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-илова (Махаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида низом)да:

12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «22626-махсус ҳисобварафи» сўзлари «асосий ҳисобварафи» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «махсус 22626-ҳисобваракларига» сўзлари «асосий ҳисобваракларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги схеманинг 5-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «махсус 22626-ҳисобварафига» сўзлари «асосий ҳисобварафига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 5-иловада «махсус ҳисобварак» сўзлари «асосий ҳисобварак» сўзлари билан алмаштирилсин.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУФИ

### **326 Спорт паспорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 18 февралдаги ПФ-75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари хамда 2022 йил 18 февралдаги ПҚ-136-сон «Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 12-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2949, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/2949/0286-сон) билан тасдиқланган Спорт паспорти тўғрисидаги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 27 август,  
14-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 сентябрда эълон қилинган.  
\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИННИГ  
ҚАРОРИ

**327 Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3384*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади**:

1. Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/3-сон «Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3262, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3262/1091-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 июль,  
14/6-сон

*Келишилди:*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

2022 йил 13 июль

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
18 июлдаги 14/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро  
муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва  
ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал  
талаблар тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом молиявий хизматлар истеъмолчилари билан муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг (бундан бўён матнда кредит ташкилотлари деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**молиявий хизматлар** — кредит ташкилоти томонидан қонунчиликда рухсат этилган молиявий операцияларни амалга ошириш орқали истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар;

**истеъмолчилар** — кредит ташкилотининг молиявий хизматларидан фойдаланиш истагида кредит ташкилотига мурожаат қилган, ушбу хизматдан фойдаланаётган ёки олдин фойдаланган жисмоний ва юридик шахслар;

**кредит** — кредит ташкилоти томонидан берилаётган кредит, микроқарз ёки микрокредитлар ва лизинглар;

**шикоят** — истеъмолчи (ёки унинг вакили) томонидан кредит ташкилотларининг молиявий хизматларидан фойдаланишда бузилган хукуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**масофавий хизмат кўрсатиш тизими** — молиявий хизматлардан электрон шаклда фойдаланиш учун истеъмолчи ва кредит ташкилоти ўртасидаги алоқани таъминлайдиган телекоммуникация воситалари, рақамли ва ахборот технологиялари, дастурий таъминот ва ускуналар мажмую.

2. Истеъмолчи:

молиявий хизмат тўғрисида, шунингдек ушбу хизматни кўрсатувчи ташкилот ҳақида тўғри ва тўлиқ ахборот олиш;

кредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматни эркин танлаш, шунингдек яшаш жойидан қатъи назар, ўзи танлаган кредит ташкилотига кредит олиш учун мурожаат этиш;

молиявий хизматнинг хавфсиз бўлиши;

камчиликлари бўлган хизмат, шунингдек мазкур хизматни кўрсатувчи ташкилотнинг ғайриқонуний харакати (харакатсизлиги) туфайли етказилган моддий заарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланиши, маънавий зиённинг компенсация қилиниши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Молиявий хизматлар истеъмолчилари мазкур Низом ва қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Истеъмолчи кредит ташкилоти томонидан ўзига жарима солинмаган ҳолда:

кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан мазкур кредитни берган (берадиган) ташкилотни кредит бериш тўғрисидаги шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичida ёзма равишда хабардор қилиш орқали воз кечишига;

берилган кредит суммасини муддатидан илгари қайтаришга ёки лизинг обьектиning қийматини муддатидан илгари тўлашга, шунингдек улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун хисобланган фоизларни (лизинг берувчининг фоизли даромадини) тўлашга ҳақли.

3. Кредит бериш шартлари, унинг миқдори, муддатлари, уни тўлаш ва унинг тўлиқ қийматини ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлиши ҳамда кредит ташкилотининг расмий веб-сайтига (мавжуд бўлганда) жойлаштирилиши керак.

Очиқ ахборот кўрсатилаётган хизматлар шартларидан ва уларга оид маълумотлардан фарқ қиласмилини керак.

Кредит ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатиш жойларида (кредит бериш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш жойларида, ахборот стендларида), шу жумладан ўз расмий веб-сайтида (мавжуд бўлганда) кредит бериш, ундан фойдаланиш ва уни қайтариш шартлари тўғрисидаги қўйидаги ахборот жойлаштирилиши керак:

кредит берувчи ташкилотнинг номи, унинг жойлашган ери, алоқа телефонлари, расмий веб-сайти (мавжуд бўлганда), микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига ёки ломбардлар реестрига ўзи ҳақидаги маълумотлар киритилганлиги тўғрисидаги ахборот;

кредит олиш учун қарз олувчига қўйиладиган талаблар;

кредит олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиш ва кредит бериш тўғрисида ёки кредит беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш муддатлари;

кредитнинг турлари;

кредитнинг суммалари ва уни қайтариш муддатлари;

фоиз ставкалари йиллик фоизларда, ўзгарувчан фоиз ставкалари қўлланилганда эса уларни аниқлаш тартиби;

кредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш турлари;

кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш бошланадиган сана ёки уни аниқлаш тартиби;

кредит бериш, шу жумладан масофавий хизматлар кўрсатиш тизимлари орқали кредит бериш усуллари;

қарз олувчи кредит олишни рад этишга ҳақли бўлган муддатлар;

қарз олувчининг кредитни қайтариш, кредит бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни тўлаш чоғидаги тўловларининг даврийлиги;

қарз олувчининг кредит бериш тўғрисидаги шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги, неустойка (жарима, пеня) миқдорлари, уни аниқлаш тартиби;

формулярлар ёки кредит бериш тўғрисидаги шартноманинг умумий шартлари белгиланган бошқа стандарт шакллар.

Ушбу бандда кўрсатилган ахборот истеъмолчининг эътиборига бепул етказилади.

Молиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотлар тижорат сирини ўз ичига олмаслиги зарур.

4. Кредит ташкилоти томонидан истеъмолчиларга кредит ташкилотининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар давлат тилида етказилиши лозим. Кредит ташкилотининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Кредит ташкилотининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак.

5. Кредит ташкилотининг молиявий хизматлари кредит ташкилоти ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома, шу жумладан оммавий оферта шартномаси асосида кўрсатилади.

Шартномаларнинг матни истеъмолчилар тушуниши учун аниқ ва содда тарзда баён этилиши лозим.

Ёзма равишда расмийлаштириладиган шартнома матнини компьютер воситасида босиб чиқаришда 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланилиши лозим.

Шартномаларнинг матни давлат тилида тузилади. Истеъмолчи ва кредит ташкилотининг ўзаро келишувига мувофиқ шартнома матни қўшимча равишда бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин.

6. Истеъмолчи кредит ташкилотининг молиявий хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномасини (кредит, микрокредит, микроқарз ва бошқалар бўйича) имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли.

Кредит ташкилоти истеъмолчини шартномага имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли эканлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт.

7. Молиявий хизматлар масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали кўрсатилганда, кредит ташкилоти шартнома тузилишидан олдин истеъмолчига мазкур тизим орқали шартнома шартлари билан танишиб чиқиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиб бериши лозим.

8. Молиявий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали тузилганда, кредит ташкилоти истеъмолчига мазкур тизим орқали шартномадан исталган вактда фойдаланиш ва нусха олиш имкониятини яратиши шарт.

9. Кредит ташкилоти истеъмолчиларга маълумот бериш учун молиявий

хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида улар билан боғла-ниш алоқа воситаларини келишиб олиши ва ушбу алоқа воситалари орқали боғланиш имкониятини таъминлаши лозим.

10. Кредит ташкилоти молиявий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда имзоланган кунда истеъмолчига ёки унинг вакилига шартнома-нинг битта асл нусхасини тақдим этиши керак.

11. Кредит ташкилоти қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суфурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш хуқуқини чекламаслиги лозим.

12. Кредит ташкилоти томонидан тўлов шаклига қараб (нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар) молиявий хизматлар учун ҳар хил нархлар (тарифлар) белгилаш тақиқланади.

13. Кредит ташкилоти ўз кассасида терминал орқали тўловларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатганда банк картасини тақдим этувчига (банк карта эгаси ёки картани ишлатиш ваколати берилган шахс) ушбу картанинг «PIN-код»ини мустақил киритишига имконият яратиб бериши лозим.

14. Истеъмолчиларга нисбатан кредит ташкилоти томонидан молиявий хизматлар учун тўловларни фақат ўзларининг кассалари орқали ва (ёки) нақд пул шаклида тўлаш лозимлиги бўйича талаб белгиланишига йўл қўйилмайди.

15. Кредит ташкилоти фаолиятида инсофсиз хизмат кўрсатиш амалиёт-ларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди, жумладан:

истеъмолчининг бошқа кредит ташкилоти билан шартнома тузишига тўсқинлик қилиш мақсадида кредит ташкилоти томонидан кредит бюросига ва (ёки) бошқа ташкилотларга нотўғри ахборот бериш;

истеъмолчи учун мақбул шартларда расмийлаштирилган бошланғич қарни қайтариш мақсадида уни бошқа кредит шартномасини тузишига рафбатлантириш;

истеъмолчиларнинг қарзи миқдорини оширишга йўналтирилган чо-ра-тадбирларни амалга оширганлиги учун кредит ташкилоти ходимларини мукофотлаш ва рафбатлантириш.

16. Кредит ташкилотининг дастурий таъминотида юзага келган носоз-ликлар истеъмолчиларнинг мажбуриятлари ортишига ва уларнинг қонуний манфаатларига зарар етишига олиб келмаслиги лозим.

17. Кредит ташкилоти молиявий хизматлар кўрсатиш учун мўлжаллан-ган жойида ногиронлиги бўлган ҳамда имконияти чекланган истеъмолчилар билан ҳам шартномаларни тузиш имкониятини таъминлаши керак.

18. Микромолия ташкилоти томонидан истеъмолчилар билан ўзаро му-носабатларни амалга оширишда аниқ тартиб ва қўлланмалар кўрсатилган, шу жумладан мижозлар билан мулоқотга киришиш, эҳтиёжларини аниқлаш, молиявий хизматни тақдим этиш, таклиф шакллантириш, эътиrozлар билан ишлаш ва мулоқотни якунлаш жараёнида микромолия ташкилоти ходим-ларининг хулқ-атвори ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларини назарда тутувчи истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш стандартлари жорий этилиши лозим.

19. Кредит ташкилоти:

истеъмолчилар билан бевосита ишловчи кредит ташкилоти ходимлари (бундан бўён матнда маъмурият ходимлари деб юритилади) истеъмолчилар кўра оладиган, маъмурият ходимининг фамилияси, исми ва лавозими қайд этилган визуал идентификация воситаларига эга бўлишларини таъминлаши;

маъмурият ходимларига мазкур Низомнинг З-бандида қайд этилган ахборотларни олиш, ўрганиш ва янгилаш имкониятини таъминлаши;

маъмурият ходимлари истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажмини содда шаклда тақдим эта олишини таъминлаши, шунингдек истеъмолчининг бундай ахборот қайд этилган кредит ташкилоти хужжатлари билан танишиши учун имкон яратиши шарт.

20. Истеъмолчидаги молиявий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатлари юзасидан саволлар юзага келгандаги, кредит ташкилоти истеъмолчига ушбу саволларнинг моҳияти бўйича асосли жавоб ва бошқа тегишли тушунтиришлар бериши шарт.

Бунда, кредит ташкилоти истеъмолчиларга қарз тўлашдан бўйин товлаш ва (ёки) уни тўламаганлик учун жавобгарликдан қочишнинг усул ва йўллари, шунингдек бошқа шунга ўхшаш масалалар юзасидан (шу жумладан, бошқа кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам) маслаҳат бериш билан боғлиқ фаолият билан шуфулланишга ҳақли эмас.

## **2-боб. Кредит ташкилотининг истеъмолчи билан кредит муносабатларини ташкил этиши**

21. Кредит ташкилоти кредит шартномаси тузилгунга қадар:

истеъмолчига мазкур Низомнинг З-бандида кўрсатилган талабларни хисобга олган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги ишончли ахборотнинг тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаши;

истеъмолчига унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек молиявий хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича

ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатларини тушунтириши;

истеъмолчини кўрсатиладиган хизматлар шартларини ўзгартириш тартиби, шу жумладан қарздорликни қайтариш муддатларини қайта кўриб чиқиши ва ундирувни гаров мулкига қаратиш тартиб-таомили билан танишириши;

кредит таъминоти сифатида кафил бўлаётган ёки мулкини гаровга кўяётган учинчи шахсларга келгусида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар, хусусан қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, кредит бўйича юзага келган қарздорликларнинг қопланиши суд тартибида учинчи шахснинг гаровдаги мол-мулкига ёхуд кафилнинг мол-мулкига қаратилишини, кафилнинг банк ҳисобварақларидан (банк карталаридан) суд тартибида унинг розилигисиз маблағлар ечиб олиниши мумкинлигини тушунтириши шарт.

Кредит ташкилоти томонидан истеъмолчига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳақида ахборот беришни рад этишга йўл қўйилмайди

22. Кредит ташкилоти сўровига жавобан истеъмолчи томонидан тақдим

этилган маълумотлар тузилаётган кредит шартномасининг шартларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида истеъмолчи огоҳлантирилиши зарур.

23. Истеъмолчи-жисмоний шахс кредит олиш учун микромолия ташкилотига мурожаат қилганида (микромолия ташкилоти биносига ташриф буюрганда) микромолия ташкилоти мазкур Низомнинг иловасига\* мувофиқ кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини (бундан бўён матнда ахборот варақаси деб юритилади) истеъмолчи-жисмоний шахс билан биргаликда тўлдиради ва истеъмолчи-жисмоний шахсга тақдим этади.

Ахборот варақаси истеъмолчи-жисмоний шахсга бепул тарзда тақдим этилади ва кредит олиш учун буюртманома ҳисобланмайди.

24. Кредит ташкилоти кредит операцияларини амалга оширишда қўйидагиларга риоя этиши лозим:

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш муддати ва шартларини аниқ кўрсатиш;

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вактида бажармаганлиги учун кредит ташкилоти қарз олувчи олдида кредитор сифатида ўз жавобгарлигини акс эттириш.

25. Кредит ташкилоти кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдигига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисоблаши керак.

Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобварақقا ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади.

26. Кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвали кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, кредит ташкилоти ва қарз олувчи томонидан имзоланиши, шунингдек қоида тариқасида кредит шартномаси матнида иловага (кредитни қайтариш жадвалига) ҳавола бўлиши керак.

27. Кредит ташкилоти қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши шарт.

28. Қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит ташкилоти келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредитининг (қарзининг) асосий қарзини сўндиришга йўналтиради ҳамда кредит (қарз) суммасини қайта ҳисоблайди.

Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутил-

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг таркибий жиҳатдан ўзгартирилиши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда, кредит ташкилоти кредитни қайтариш жадвалини янгида расмийлаштириши ва қарз олувчига тақдим қилиши лозим.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгида расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Ушбу қоида кредит шартномасида қайд этилиши шарт.

29. Кредит ташкилоти томонидан кредит бўйича хизмат кўрсатиш даврида истеъмолчининг оғзаки ёки ёзма сўрови олинган кундан эътиборан бир иш куни ичida унга қўйидаги ахборотлар ёзма шаклда бир ойда бир марта белуп тақдим этилади:

кредитлаш лимити;

кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси;

асосий сумма бўйича қарз қолдиги;

навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали);

кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори;

муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;

келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга ўйналтирилиши хақидаги ахборотлар.

30. Кредит ташкилоти истеъмолчининг талабига кўра, қўйидаги хужжатларнинг кредит ташкилоти томонидан тасдиқланган нусхаларини белуп (битта кредит шартномаси бўйича бир марта) беради:

кредит ташкилоти ва истеъмолчи томонидан имзоланган кредит шартномасини;

истеъмолчи томонидан берилган ариза (агар қонунчилик хужжатларига мувофиқ бундай аризанинг расмийлаштирилиши мажбурий бўлса ёки кредит ташкилотининг ички қоидаларига асосан кредит шартномасини тузиш чорида бундай аризанинг расмийлаштирилиши шарт бўлганда);

истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи хужжат (ордер, тўлов топшириқномаси, электрон тўлов воситасига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома);

кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат (маълумотнома).

Кредит ташкилоти истеъмолчининг талабига кўра, мазкур бандда назарда тутилган хужжатларни уларни тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ эвазига чекланмаган тарзда тақдим этиши мумкин.

Мазкур бандда назарда тутилган хужжатларни тақдим этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит ташкилоти томонидан истеъмолчига бу ҳақда асосли равишда ёзма хабар берилиши лозим.

31. Истеъмолчининг тегишли сўрови кредит ташкилотида рўйхатдан ўт-

казилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кредит шартномаси, истеъмолчи томонидан берилган ариза ва истеъмолчига кредит берилганигин тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганигин тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

32. Микромолия ташкилоти қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирган ҳолда мазкур қарз бўйича:

гаровда турган мулкни тақиқдан чиқариш;

гаровда бўлган мол-мulkка нисбатан кредит ташкилотининг хуқуqlари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шарт.

**3-боб. Муддати ўтган қарздорлик юзага келганда  
кредит ташкилотларининг истеъмолчилар билан ўзаро  
муносабатларни амалга ошириш**

33. Кредит ташкилоти кредит бўйича қарздорликни ундиришни кредит шартномасида ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширади.

Кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида кредит ташкилоти қарздорликни сўндириш зарурлиги ва кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳақида тегишли тарзда қарздорни хабардор қиласиди.

Бунда, кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб ўн кун ичида истеъмолчи билан кредит шартномасида келишилган ҳар қандай боғланиш алоқа воситалари ва усулларидан, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида хабар бериши, шунингдек истеъмолчининг кредит шартномасида кўзда тутилган манзилига муддати ўтган қарздорликни сўндириши лозимлиги ҳақида ёзма талабнома юбориши шарт.

34. Кредит ташкилоти йўллайдиган талабномада қўйидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак:

кредит ташкилотининг номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;

талабнома расмийлаштирилган санадаги истеъмолчининг кредит қарзи миқдори ва таркиби;

қарзни тўлаш усули (усуллари);

истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);

талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажармаслигининг оқибатлари;

низони судгача ҳал қилиш усуллари.

35. Махаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача талабномани (хабарномани) қўлга топширишга ҳамда у ҳақда телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилишга йўл қўйилмайди.

36. Кредит ташкилоти ва истеъмолчи тарафларнинг ўзаро розилигига кўра, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган низони судгача ҳал қилиш усулларини, шу жумладан, музокаралар ўтказиш орқали, қўллашга ҳақли.

37. Истеъмолчи талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармагандан, кредит ташкилоти судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.

#### **4-боб. Истеъмолчиларнинг шикоятларини кўриб чиқишига қўйиладиган талаблар**

38. Кредит ташкилотида истеъмолчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш бўйича тартиб бўлиши шарт. Бунда, истеъмолчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга мувофиқ бўлиши керак.

39. Кредит ташкилоти томонидан шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар кредит ташкилотининг стендларида ва расмий веб-сайтида (мавжуд бўлса) жойлаштирилган бўлиши лозим.

40. Истеъмолчининг талабига мувофиқ кредит ташкилоти истеъмолчига шикоятларни кўриб чиқиш тартибини тушунтириб бериши керак.

Кредит ташкилоти шикоятларни ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилишини таъминлайди ҳамда унинг натижалари бўйича шикоят этувчиларни хабардор қиласди.

Кредит ташкилоти томонидан истеъмолчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

41. Кредит ташкилоти истеъмолчининг шикоят қилиш хуқуқини чеклашга ҳақли эмас. Кредит ташкилоти томонидан шикоятни қабул қилишини рад этишга йўл қўйилмайди.

42. Кредит ташкилоти ўзининг расмий веб-сайти (мавжуд бўлса) орқали истеъмолчиларнинг электрон шикоятларини қабул қилишини ташкиллаштириши лозим.

43. Истеъмолчиларнинг барча ёзма ва электрон шикоятлари ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш кунида рўйхатдан ўтказилиши керак.

44. Истеъмолчиларнинг шикоятлари кредит ташкилотига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ой-гача бўлган муддатда кўриб чиқилиши ва ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилиши керак.

45. Қўйидаги шикоятлар кўриб чиқилмайди:

аноним шикоятлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган шикоятлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли шикоятлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида шикоят қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

46. Телефон орқали шикоят этилганда, ушбу шикоятни кейинчалик кўриб чиқишида фойдаланиш мақсадида истеъмолчини олдиндан хабардор қилган ҳолда сұхбат махсус (аудио) техника воситалари орқали ёзиб олиниши мумкин.

47. Кредит ташкилоти ходимининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан келиб тушган шикоят, шу ходимнинг ўзига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин эмас.

48. Истеъмолчининг шикояти асосли деб топилган ҳолларда, кредит ташкилоти камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчининг қонуний манфаатлари ва ҳукуқларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўриши зарур.

49. Кредит ташкилоти мунтазам равишда:

истеъмолчиларнинг шикоятларини мониторинг қиласи, унда қайд этилган масалаларни ҳамда шикоятлар динамикасини таҳлил этади, умумлаштиради;

истеъмолчиларнинг шикоятлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

аниқланган камчиликларни бартараф этади ва келгусида кредит ташкилоти фаолиятида бундай камчиликлар тақрорланмаслигини таъминлайди.

## **5-боб. Якуний қоида**

50. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**328** «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 354-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 30 август,  
342-сон

*Келишилди:*

*Молия вазири*

**T. ИШМЕТОВ**

2022 йил 10 август

*Марказий банк раиси*

**M. НУРМУРАТОВ**

2022 йил 15 август

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**B. МУСАЕВ**

2022 йил 26 август

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2022 йил  
30 августдаги 342-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-  
хукуқий хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 36-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2977, 2018 йил 1 март) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.03.2018 й., 10/18/2977/0838-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 20 ноябрдаги 307-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2977-1, 2020 йил 4 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 10/20/2977-1/1600-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 6 апрелдаги 108-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2977-2, 2021 йил 4 май) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2021 й., 10/21/2977-2/0407-сон).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУГИ**

**329** *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтингча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларининг 6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 231-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августандаги 171-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2929, 2017 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1015-мод-

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

да) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсоналарининг ички тартиб қоидаларининг 6-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ходимлари ВСХга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Бунда ВСХ маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ходимларининг хавфсизлиги таъминланади.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 сентябрь,  
348-сон

*Келишилди:*

*Бош прокурор*

*Н. ЙЎЛДОШЕВ*

*2022 йил 18 август*

*Олий суд раиси*

*Б. ИСЛАМОВ*

*2022 йил 16 август*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Н. ХУСАНОВ*

*2022 йил 23 август*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*Б. МУСАЕВ*

*2022 йил 31 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**330** Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиши тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 17 декабрдаги 11-сон қарори (рўйхат рақами 3211, 2020 йил 17 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2020 й., 10/20/3211/0065-сон) билан тасдиқланган Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Ф. ПУЛАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 август,  
7-2022-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*2022 йил 21 июль*

*Давлат активларини бошқарши  
агентлиги директори*

*2022 йил 22 июль*

*Д. ВАХАБОВ*

*А. ОРТИКОВ*

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил  
10 августдаги 7-2022-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака  
шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Малака шаҳодатномаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (бундан бўён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан бепул берилади.».

2. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича тайёрлаш Агентликнинг Давлат кадастрлари палатаси (бундан бўён матнда Давлат кадастрлари палатаси деб юритилади) томонидан амалга оширилади.».

3. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Малака имтиҳонини ўтказиш учун Агентлик директорининг буйруғи билан беш кишидан кам бўлмаган таркибда Малака имтиҳони комиссияси ташкил қилинади.

Агентлик директори Малака имтиҳони комиссияси раиси ҳисобланади.

Малака имтиҳони комиссияси таркиби Агентликнинг масъул ходимлари ва Давлат кадастрлари палатасининг масъул вакиллари орасидан шакллантирилади.».

4. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун Агентликка мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги аризани тақдим этади.».

5. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ариза талабгор томони-

дан Агентликка шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали топширилади.».

6. 13, 15, 40-бандлар, 41-банднинг биринчи хатбоиси, 45 ва 47-бандлардаги «Қўмита» деган сўзлар «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Агентлик қўйидаги асосларга кўра малака имтиҳонини топширишга рұхсат беришни рад этади:

талағор мазқур Низомнинг 4-банди талағорларига жавоб бермагандан;

талағор нотўғри маълумотлар тақдим қилгани аниқланганда.

Бошқа асосларга кўра малака имтиҳонини топширишни рад этишга йўл қўйилмайди.».

8. 19-банддаги «Қўмита ва Марказнинг» деган сўзлар «Агентлик ва Давлат кадастрлари палатасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 21-банд ва 65-банднинг иккинчи хатбоисидаги «Қўмита раиси» деган сўзлар «Агентлик директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 22-банд «талағорлар паспорт ёки» деган сўзлардан кейин «идентификацияловчи ID-карта ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 23-банд «Талағор паспорти ёки» деган сўзлардан кейин «идентификацияловчи ID-картаси ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. 28-банддаги «Марказ» деган сўз «Давлат кадастрлари палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 29-банднинг биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Тест саволларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган мавзулар Агентлик ва Давлат кадастрлари палатасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.».

14. 33-банддаги «Марказнинг» деган сўз «Давлат кадастрлари палатасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 39-банд, 48-банднинг биринчи хатбоиси ва 62-банддаги «Қўмитага» деган сўзлар «Агентликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 43, 54-бандлар, 57-банднинг иккинчи хатбоиси, 60-банд ва 66-банднинг иккинчи хатбоисидаги «Қўмитанинг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 46-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. QR-код (матрик штрихли код) қўйилган малака шаҳодатномаси Агентлик томонидан Малака имтиҳони комиссиясининг байённомаси олинганидан бошлаб беш кун ичидан расмийлаштирилади ва Кадастр муҳандислари реестрига имзо қўйилган ҳолда талағорга берилади.».

18. 5-бобнинг номидан «ва дубликатини бериш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

19. 50-банддаги «Қўмитада» деган сўз «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин.

20. 51 — 53-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

21. 64-бандда:

биринчи хатбоидаги «Қўмита» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «ва дубликатини бериш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

22. 1-2-иловалар мазкур ўзгартериш ва қўшимчаларнинг 1-2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг  
малака шаҳодатномасини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартериш ва қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг  
малака шаҳодатномасини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик  
қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига

да яшовчи

(яшаш манзили)

дан

(ариза берувчи Ф.И.О)

(алоқа телефони)

(электрон манзили)

## АРИЗА

Менга кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини олиш учун малака имтиҳонини топширишга/қайта расмийлаштиришга\* рухсат беришингизни сўрайман.

20\_\_ йил «\_\_\_\_» -----

Шахсий имзо -----

\* Изоҳ: аризанинг туридан келиб чиқиб керакли сўзларнинг тагига чизинг.».

Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг  
малака шаҳодатномасини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилётган  
ўзгартириш ва қўшимчаларга  
2-ИЛОВА

«Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг  
малака шаҳодатномасини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

*НАМУНА*

Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат герби тасвири

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги  
**КАДАСТР МУҲАНДИСИННИГ МАЛАКА ШАҲОДАТНОМАСИ**

-----сон

Расм  
учун жой

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» -----

Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси малака шаҳодатномаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан -----  
----- га  
(кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини олган шахснинг Ф.И.О.)

(жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами)

Малака имтиҳон комиссиясининг 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» -----даги қарорига асосан кадастр муҳандиси малака шаҳодатномаси берилди.

(ваколатли шахснинг Ф.И.О.)

QR-код

».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ  
ҚАРОРИ**

**331** **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3385**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июндан 373-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
19/6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
22 августдаги 19/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 8 июндан 20/1-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3021/1333-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

16 февралдаги 3/10-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3022-1, 2019 йил 26 февраль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2019 й. 10/19/3022-1/2669-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/9-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3022-2, 2019 йил 5 июль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.07.2019 й., 10/19/3022-2/3383-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 21 декабрдаги 31/1-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3022-3, 2019 йил 30 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 10/19/3022-3/4251-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/4-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3022-4, 2020 йил 27 февраль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.02.2020 й., 10/20/3022-4/0218-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 31 декабрдаги 28/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатларга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3285, 2021 йил 26 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2021 й., 10/21/3285/0073-сон) иловасининг 5-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИНИНГ  
 ҚАРОРИ**

**332**

**Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хуносалар бериш тартибига ўзгартаришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
 9 сентябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 438-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республиклар Махкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимиши ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан 1998 йил 16 марта, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 15 апрелда, Давлат солик қўмитаси томонидан 1998 йил 30 апрелда, Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 27 марта тасдиқланган Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хуносалар бериш тартибига (рўйхат рақами 438, 1998 йил 18 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 16-сон) иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион  
 ривожланиш вазири**

**И. АБДУРАХМОНОВ**

Тошкент ш.,  
 2022 йил 22 август,  
 6-қ/қ-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

**Молия вазири****Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
19-сон

**Давлат солик  
қўмитаси раиси****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 16 август,  
2022-25-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 11 август,  
13/02-22-28-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш вазирлигининг  
2022 йил 22 августдаги 6-қ/қ-сон, Молия  
вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 19-сон,  
Давлат солик қўмитасининг 2022 йил  
16 августдаги 2022-25-сон ва Давлат божхона  
қўмитасининг 2022 йил 11 августдаги  
13/02-22-28-сон қарорига  
ИЛОВА

**Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда  
илемий техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар  
доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-  
ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига  
мувофиқлиги тўғрисида хуносалар бериш тартибига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Тартибининг номидаги «илемий техникавий ҳамкорлик» деган сўзлар  
«илемий ҳамкорлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Тартиба:

а) 1.1-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги 31-сон «Халқаро илемий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илемий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (бундан

буён матнда Вазирлик деб юритилади) томонидан халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан текин, гуманитар ва техник ёрдам тариқасида келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг (приборлар, материаллар, ахборот ва ташкилий-техника тизимлари ва воситалари) ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хulosалар (бундан буён матнда хulososa деб юритилади) бериш тартибини белгилайди.»;

б) 1.2-банддаги «илмий-техникавий ҳамкорлик» ҳамда «илмий-техникавий ва инновация» деган сўзлар тегишли равишда «илмий ҳамкорлик» ҳамда «илмий ва инновация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1.3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.3. Вазирlikning хulosаси халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармаларнинг грантлари, шунингдек, илмий ҳамкорлик соҳасидаги халқаро шартномалар доирасида текин гуманитар ва техник ёрдам тартибида илмий тадқиқотлар, илмий ва инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни бажаришга йўналтирилган пул маблағлари ва моддий-техник захираларнинг олувчиси ҳисобланган жисмоний ва юридик шахсларга берилади.»;

г) 1.4-банднинг биринчи хатбошидаги «Қўмитанинг» деган сўз «Вазирlikning» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 2.1-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.1. Олинган пул маблағлари, моддий-техника захиралари (асбоб-ускуналар, жиҳозлар, материаллар, ахборот ва ташкилий техника тизимлари ва воситалари)нинг ажратилган грантларнинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги бўйича хulososa Вазирlik томонидан грантни олувчи — илмий тадқиқотлар, илмий ва инновацион дастурлар ва лойиҳалар ижрочисининг Инновацион ривожланиш вазири номига берилган ушбу Тартибининг 1-иловасига мувофик шаклдаги аризаси асосида берилади. Бунда аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади.»;

учинчи хатбошидаги «илмий-техникавий» деган сўзлар «илмий» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «илмий-техникавий дастурлар ва илмий-техникавий ҳамкорлик» деган сўзлар «илмий дастурлар ва илмий ҳамкорлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Қўмитага» деган сўз «Вазирlikka» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 2.2-банддаги «Қўмита» деган сўз «Вазирlik» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 2.3-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.3. Вазирlik аризада келтирилган воситалар, асбоб-ускуналарнинг халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармаларнинг грантларига, халқаро илмий ва инновацион дастурларга мувофиқлигини аниқлаш учун тақдим

этилган хужжатлар бўйича экспертизани ўтказади. Экспертизага республиканинг ихтиослаштирилган муассасалари ва ташкилотлари эксперталари жалб этилиши мумкин. Бунда, экспертиза ўтказилганлиги ва хулоса тақдим этилганлиги учун ариза берувчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида тўлов ундирилади.»;

иккинчи хатбошидаги «Қўмита» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 3.1-банднинг биринчи хатбошисидаги «Қўмитанинг» ва «илмий-техникавий» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирликнинг» ва «илмий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 3.2-банддаги «илмий-техникавий ҳамкорлик» ҳамда «илмий-техникавий ва инновацион» деган сўзлар тегишли равишда «илмий ҳамкорлик» ҳамда «илмий ва инновацион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 3.3-банддаги «илмий-техникавий» деган сўзлар «илмий» деган сўз билан алмаштирилсин;

л) 1 — 3-илвалар мазкур ўзgartиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартибига киритилаётган ўзгартиришларга ИЛОВА

«Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартибига  
1-ИЛОВА

1-шакл  
Ташкилот бланкасида

Ўзбекистон Республикаси  
инновацион ривожланиш вазирига

Илова қилинган материалларни хориждан грант асосида келтирилган пул маблағлари ва асбоб-ускуналар бўйича хулоса бериш учун кўриб чиқишингизни сўрайман.

(грант берувчининг тўълиқ номи)

(илмий ёки инновацион топшириқ (лойиҳа)нинг номи)

\_\_\_\_\_ ни бажариш учун

(Ф.И.О. ёки ташкилотнинг номи тўълиқлигигача)

грантни олувчи ҳисобланади.

Илова  
Нусхалар:  
грант ажратилишини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома ва б.);  
тасдиқланган халқаро илмий ва инновацион дастурлар.

Ташкилотнинг раҳбари Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Ижрочи \_\_\_\_\_  
Телефон \_\_\_\_\_.

Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хуносалар бериш тартибига  
2-ИЛОВА

2-шакл

**Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирига  
-сон ХУЛОСА**

Тошкент ш.

20\_\_ йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_

Ушбу орқали Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тасдиқлайдики, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги 31-сон «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига мувофик,

(халқаро ва хорижий фонд ёки ташкилотнинг номи,

илмий ҳамкорлик бўйича

халқаро илмий дастур, лойиҳа ёки шартноманинг номи, мамлакатнинг номи,

дан

имзоланиши санаси кўрсатилган ҳолда)

(грант олувчининг ташкилот ёки илмий

да

ва инновацион дастур ёки лойиҳа ижрочисининг номи)

(иши, илмий ва инновацион топширик (войиҳа)нинг номи)

бажариш учун келтирилган \_\_\_\_\_ минг сўм қийматидаги пул маблағлари, қийматидаги \_\_\_\_\_

(асбоб-ускуналар, жиҳозлар, материаллар ахборот ва ташкилий техника тизимлари ва воситалари)

грант мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ келади.

Хуносал Ўзбекистон Республикасининг солик, божхона идоралари ва банк муассасаларига тақдим этиш учун берилди.

Вазир \_\_\_\_\_

(имзо)

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2022 й.**

Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хуносалар бериш тартибига  
3-ИЛОВА

3-шакл

**Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирига  
-сон ХУЛОСА**

Тошкент ш.

20\_\_ ўйл «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ушбу орқали Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилиги тасдиқлайдики, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 ўйл 19 январдаги 31-сон «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарорига мувофиқ,

(халқаро ва хорижий жамгарма ёки ташкилотнинг номи,

илмий ҳамкорлик бўйича халқаро илмий дастур,

дан  
ложиҳа ёки шартноманинг номи, мамлакат ва имзоланган санаси кўрсатилган ҳолда)

(грант олувчининг ёки илмий ва инновацион дастур ёки лойиҳанинг ижроочисининг Ф.И.О.)

(иши, илмий ёки инновацион топширик ёки лойиҳанинг номи)

бажариш учун олган \_\_\_\_\_ минг сўм қийматидаги пул маблағлари грантнинг мақсадлари ва вазифалари мувофиқ келади ҳамда унинг ўйллик умумий даромадига киритилмайди.

Хуроса Ўзбекистон Республикасининг солиқ, божхона органлари ва банк муассасаларига тақдим этиш учун берилди.

Вазир \_\_\_\_\_

(имзо)

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**333** **Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 сентябрдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6159-сон «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 3 февралдаги ПҚ–4975-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 21 апрелдаги 4, 7-ққ, 25-сон қарори (рўйхат рақами 2790, 2016 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 21-сон, 244-модда) билан тасдиқланган Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион  
ривожланиш вазири**

**И. АБДУРАХМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
5-қ/қ-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 август,  
20-2022Q/Q-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
42-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш вазирлигининг  
2022 йил 22 августдаги 5-қ/қ-сон, Бандлик ва  
меҳнат муносабатлари вазирлигининг  
2022 йил 10 августдаги 20-2022Q/Q-сон ва  
Молия вазирлигининг 2022 йил  
22 августдаги 42-сон қарорига  
ИЛОВА

**Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг  
меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Изоҳнинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази (ҚҲООТИИЧМ)» деган сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚҲБИММ)» деган сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат илмий-техника дастурларини» ва «илмий-техника лойиҳаларини» деган сўzlар тегишли равища «давлат илмий дастурларини» ва «илмий лойиҳаларни» деган сўzlар билан алмаштирилсин;

б) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари давлат илмий дастурларини амалга ошириш доирасида илмий лойиҳаларини бажаришда иштирок этадиган, меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари жадвалининг 1 — 4 ва 11 — 14-бандларида кўзда тутилган раҳбар ва илмий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.»;

в) 8-банднинг жадвалидаги «ҚҲООТИИЧМ муассасалари» деган сўzlар «ҚҲБИММ муассасалари» деган сўzlар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
 ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИННИГ  
 ҚАРОРИ

**334** Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2321-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартағи ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлариға давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2011 йил 26 декабрдаги 38 ва 42 қ/қ-сон қарори (рўйхат рақами 2321, 2012 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**Б. САИДОВ**

Тошкент ш.,  
 2022 йил 24 август,  
 5-мнг-сон

**Давлат тест  
 маркази директори**

**М. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
 2022 йил 12 август,  
 11/QQ-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил  
24 августдаги 5-мін-сон ва Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест  
марказининг 2022 йил 12 августдаги  
11/QQ-сон қарорига  
ИЛОВА

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим  
муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат  
ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар  
қабул қилиш тартиби тұғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 5-банд күйидеги таҳрирда баён этилсин:  
«5. Танловда иштирок этиш учун ўқувчилардан ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси (ихтисослаштирилган синфи мавжуд умумтаълим мактаби) директори номига ариза қабул қилинади.».
2. 23-банднинг учинчи ва тұрткынчи хатбошиларидағи «вояга етмаганлар ишлари бүйіча ҳудудий идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бүйіча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 29-банддаги «туман (шаҳар) ҳокимліклари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бүйіча комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бүйіча туман (шаҳар) комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**335** Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартағи ЎРҚ-759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириning 2018 йил 11 апрелдаги 168-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3007, 2018 йил 8 май) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 10/18/3007/1190-сон) билан тасдиқланган Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-банди учинчи хатбошисидаги «ходимнинг паспорт маълумотлари» деган сўзлар «ходимнинг паспорти ёки идентификация ID-картасига оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 17 август,  
226-mh-сон

---

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 27 августдаги 14-мҳ-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2022 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-2.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 18 июлдаги 14/6-сон «Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3384.**

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 30 августдаги 342-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафака тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 сентябрдаги 348-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хисбхоналарининг ички тартиб қоидаларининг 6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-3.**

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 10 августдаги 7-2022-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр мухандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211-1.**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 19/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хукукий ҳужжатларни ўз кучини ўйқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3385.*

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 6-қ/қ-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 19-сон, Давлат солик қўмитасининг 2022 йил 16 августдаги 2022-25-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 11 августдаги 13/02-22-28-сон «Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий техника-вий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хуносалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 438-5.*

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 5-қ/қ-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 10 августдаги 20-2022Q/Q-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 42-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790-2.*

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 24 августдаги 5-тн-сон ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2022 йил 12 августдаги 11/QQ-сон «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2321-2.*

10. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 17 августдаги 226-тн-сон «Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги бўйруғи.

*2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007-2.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/3-сон «Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 3262, 2020 йил 30 июнь).

**2022 йил 6 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 36-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2977, 2018 йил 1 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2977-1, 2020 йил 4 декабрь), (рўйхат рақами 2977-2, 2021 йил 4 май).

**2022 йил 7 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3022-1, 2019 йил 26 февраль), (рўйхат рақами 3022-2, 2019 йил 5 июль), (рўйхат рақами 3022-3, 2019 йил 30 декабрь), (рўйхат рақами 3022-4, 2020 йил 27 февраль).

**2022 йил 9 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар конунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**